



ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Сайитназаров Баходиржон Шарифжонович

ИИБ Академияси Магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20664792>


Аннотация: Мазкур мақолада “жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг назарий-методологик асослари маҳаллий ҳамда хорижий олимларнинг илмий қарашлари асосида қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотда ушбу тушунчаларни тор ва кенг маънода талқин қилиш юзасидан мавжуд ёндашувлар умумлаштирилиб, муаллифлик таърифлари таклиф этилган. Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган институционал ислоҳотлар — 2021–2026 йилларда қабул қилинган концептуал ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида жазоловчи ёндашувдан ижтимоий профилактика, “маҳаллабай” ишлаш ҳамда рақамли бошқарув тизимига ўтишнинг моҳияти, босқичлари ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, ижтимоий профилактика, “маҳалла еттилиги”, хавфсиз маҳалла, манзилли профилактика, ички ишлар органлари, ҳуқуқ-тартибот, рақамлаштириш.

Аннотация: В данной статье проводится сравнительный анализ теоретико-методологических основ понятий “общественный порядок” и “общественная безопасность” на основе научных взглядов отечественных и зарубежных ученых. В исследовании обобщены существующие подходы к трактовке этих понятий в узком и широком смысле, предложены авторские определения. Также на примере институциональных реформ, реализованных в последние годы в Узбекистане по обеспечению общественной безопасности - концептуальных и нормативно-правовых актов, принятых в 2021-2026 годах, раскрыты сущность, этапы и значение перехода от карательного подхода к социальной профилактике, работе “маҳаллабай” и цифровой системе управления.

Ключевые слова: общественный порядок, общественная безопасность, социальная профилактика, “маҳаллинская семерка,” безопасная маҳалля, адресная профилактика, органы внутренних дел, правопорядок, цифровизация.

Abstract: This article provides a comparative analysis of the theoretical and methodological foundations of the concepts of "public order" and "public safety"





based on the scientific views of domestic and foreign scholars. The study summarizes existing approaches to the narrow and broad interpretation of these concepts and proposes author's definitions. Additionally, the essence, stages, and significance of the transition from a punitive approach to social prevention, "mahallabay" work, and the digital management system are revealed through the example of conceptual and regulatory legal documents adopted in 2021–2026 regarding the institutional reforms implemented in Uzbekistan to ensure public safety in recent years.


Keywords: public order, public safety, social prevention, "mahalla seven," safe mahalla, targeted prevention, internal affairs bodies, law enforcement, digitalization.

Давлатнинг барқарор тараққиёти, жамиятнинг ривож ва фуқароларнинг фаровон ҳаёти бевосита мамлакатдаги тинчлик ҳамда осойишталик билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янги босқичга кўтариш ва фуқаролар онгида “Қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар мазмунан ҳуқуқ-тартибот фаолиятини жиноятнинг оқибати билан курашишдан унинг туб сабабларини бартараф этишга, жазолашдан эса олдини олишга йўналтиришдан иборатдир.

Мазкур мақолада, биринчидан, “жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий асослари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади; иккинчидан, ушбу назарий қарашларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган институционал ислохотларда қандай ифода топаётгани кетма-кетлик ва тизимлилик асосида кўриб чиқилади.

“Жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчалари ҳуқуқшунослик фанида турлича талқин қилиниб, узоқ йиллардан буён кенг қамровли тадқиқотлар объекти бўлиб келмоқда. Гарчи улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, мазмунан фарқланади: жамоат тартиби жамиятдаги муносабатларнинг меъёрий ҳолатини, жамоат хавфсизлиги эса ушбу ҳолатни турли таҳдидлардан ҳимоялаш натижасида юзага келадиган барқарорлигини ифодалайди.





И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев ва Ф.Н. Шукуровлар жамоат тартибини жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, инсон шакли ҳамда кадр-қимматини ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий нормалар мажмуи сифатида баҳолайдилар¹. Бу ёндашув мамлакатимизда устувор бўлган “Инсон қадри учун” тамойилига тўла мос келади.

Хорижий илмий манбаларда мазкур масалага кўпинча давлатнинг мавжуд бўлиш шарт сифатида ёндашилади. Жумладан, Т. Гоббс фуқаролик ҳолатини “энг катта ижтимоий неъмат” деб баҳоласа, Л. Гумплович давлатни айнан хавфсизлик ва тартибни ҳимоя қилиш учун яратилган ташкилот сифатида таърифлайди². МДХ мамлакатлари олимлари Л.Л. Попов ва К.С. Бельскийлар эса жамиятда тартиб ва хавфсизликнинг йўқлиги пировардида давлатчилик инқирозига олиб келишини таъкидлайдилар³.

Д.Н. Бахрах, М.И. Еропкин ва И.И. Веремеенко каби олимларнинг илмий қарашларида жамоат тартибини тор ва кенг маънода тушуниш юзасидан баҳслар мавжуд⁴. Агар тушунча ўта кенг маънода барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида қаралса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг чегаралари йўқолиб, унинг амалий самарадорлиги сусаяди. Шу сабабли жамоат тартибини фақатгина «жамоат жойи» билан чеклаб эмас, балки муносабатнинг ижтимоий мазмуни ва жамоатчилик манфаатига таъсири орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев бу тушунчанинг моҳиятини фуқароларнинг жамоада бир-бирини ҳурмат қилиши, ўз ҳуқуқларидан бошқаларнинг эркинликларини чекламаган ҳолда фойдаланиши орқали тушунтиради⁵.

¹Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З., Шукуров Ф.Н. ва бошқ. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 45-б.

²Гоббс Т. Сочинения в 2-х томах. Т. 2. – М.: Мысль, 1991. – С. 96–97; Гумплович Л. Общее учение о государстве. – СПб.: Изд-во О.Н. Поповой, 1910. – С. 36.

³Попов Л.Л. Административное право Российской Федерации: Учебник. – М.: РГ-Пресс, 2018. – С. 214; Бельский К.С. Полицейское право: Лекционный курс / Под ред. А.В. Куракина. М.: Дело и сервис, 2004. С. 23.

⁴Бахрах Д.Н. Административная ответственность граждан за правонарушения. – Пермь, 1978. – С. 40; Веремеенко И.И. Механизм административно-правового регулирования в сфере охраны общественного порядка. Ч. 1. – М., 1981. – С. 9.

⁵Мирзиёев Ш.М. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 октябр.





Юқорида билдирилган назарий ёндашувларни умумлаштириб ҳамда тизимлаштириб, қуйидаги муаллифлик таърифларини таклиф этамиз:


Жамоат тартиби — асосан жамоат жойларида ва инсонларнинг ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келадиган, қонуний ҳамда ахлоқий нормаларга асосланган, шахсий ва жамоат хавфсизлигини, инсонларнинг осойишта ҳаётини таъминловчи, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти томонидан кафолатланадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш — жамоат жойларида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг мулки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жамиятни беқарорлаштирувчи омилларни барвақт бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чоралар мажмуидир.

Юқорида келтирилган назарий-концептуал қарашлар бугунги кунда Ўзбекистонда амалиётга кенг жорий этилмоқда. Бу борада муҳим ҳуқуқий замин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” бўлди. Мазкур концепция соҳадаги фаолиятни ягона стратегик асосга бирлаштириб, кейинги ислохотлар учун йўналиш белгилаб берди.

Концептуал асоснинг мантиқий давоми сифатида профилактикани бевосита қуйи бўғин маҳалла даражасида амалга ошириш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Президентнинг 2025 йилги ПҚ-1-сон қарори ислохотларни маҳалла даражасида янги босқичга кўтарди⁶. Ҳужжатнинг амалий аҳамияти шундаки, унда жамоат тартибини сақлашда фақат ҳуқуқ-тартибот органлари эмас, балки маҳалла институти ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари аниқ белгилаб берилди. Криминоген вазияти оғир ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, оилавий-маиший низоларни барвақт аниқлаб, уларни “маҳалла еттилиги” иштирокида ҳал этишнинг манзилли тизими амалиётга жорий этилди. Натижада жиноятчиликнинг оқибати билан эмас, балки унинг туб сабаблари билан курашиш орқали маҳаллаларда хавфсиз муҳит шаклланимоқда.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1-сон қарори.






Ислохотларнинг навбатдаги босқичи Президентнинг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сон қарори бўлди⁷. Мазкур ҳужжат жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини мутлақо янги, илмий-амалий асосга кўчирди: маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олишда фақат маъмурий-ҳуқуқий таъсир чораларидан воз кечилиб, оила-турмуш доирасидаги ҳамда аёллар ва ёшлар жиноятчилигини ўрганишда «илмий хулоса — тавсия — натижа» тамойили жорий этилди.

Қарорнинг энг муҳим институционал янгилиги криминоген вазияти оғир ёки бир неча йилдан буён «қизил» тоифада қолаётган маҳаллалар умумий тарзда эмас, балки жиноятнинг ўзига хос тури ва хусусиятига қараб масъул раҳбарларга номма-ном бириктирилишидир. Жумладан, оғир маҳаллалар ҳокимлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларига; узоқ вақт давомида вазияти яхшиланмаётган ҳудудлар таълим ҳамда илмий ташкилотларга; аёллар жиноятчилиги ва низоли оилалар кўп бўлган ҳудудлар эса соғлиқни сақлаш, адлия ҳамда хотин-қизлар кўмиталари раҳбарларига бириктирилди. Бу муаммони юзаки эмас, балки унинг туб ижтимоий негизидан туриб, тизимли ҳал этиш имконини беради.

Амалий профилактика механизмларини кучайтириш доирасида ҳар ойда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида “Ижтимоий профилактика ҳафталиги” ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу ҳафталикларда мутасадди идоралар, маҳаллий кенгашлар ва “маҳалла еттилиги” низоли оилалар, ишсизлар ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам билан бевосита жойларда ишлаб, меҳнат ва ижтимоий хизматлар ярмаркаларини ўтказиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини эрта бартараф этишни мақсад қилади. Шунингдек, ижтимоий мослаштириш дастуридан ўтган хавф гуруҳидаги шахсларнинг турмуш тарзини бир йил давомида узлуксиз мониторинг қилиб бориш тартиби ўрнатилди.

Ислохотларнинг яна бир муҳим таянч нуқтаси жамоат тартибини сақлашда шаффофлик ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган чуқур рақамлаштириш жараёнларидир. Жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш мақсадида ички ишлар органлари ходимларининг хизмат планшетлари орқали фуқароларнинг оғзаки мурожаатларини реал вақтда ягона тартибда рўйхатга олиш амалиёти жорий этилди. Бундан ташқари, аҳолининг профилактика инспектори

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2026 йилдаги ПҚ-1-сон «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.





билан онлайн мулоқотини таъминловчи “Менинг инспекторим” мобил иловаси ҳамда низоли оилалар билан ишлашда судлар билан тўғридан-тўғри интеграциялашган “E-nizoli oila” рақамли модули ишга туширилди. Ушбу инновацион ечимлар фуқаролар мурожаатларига тезкорлик билан муносабат билдириш тизимини шакллантириб, пировард натижада аҳолининг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ва маҳаллаларда чинакам хавфсиз муҳит яратишга хизмат қилади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорликдаги яхлит тизими яратилди. Бунинг натижасида ички ишлар органлари фаолияти жазоловчи органдан фуқароларга кўмак берувчи, хавфсизликни кафолатловчи ижтимоий тизимга трансформация бўлди. Бу қуйидаги устувор йўналишларда ўз ифодасини топмоқда:

–**“Маҳалла еттилиги” тизими.** Жамоат тартибини сақлаш фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вазифасидан маҳалла даражасидаги ижтимоий ҳаракатга айланди. Профилактика инспектори маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқчи билан ҳамкорликда ижтимоий муҳитни соғломлаштирмоқда.

–**Ҳуқуқ-тартибот масканлари.** Маҳаллаларда туну кун фаолият юритувчи замонавий масканлар ташкил этилиб, Миллий гвардия ва патруль хизмати ходимлари иштирокида жамоат жойларида ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муҳит шакллантирилди.

–**Манзилли профилактика.** «Хавфсиз маҳалла» ва “Хавфсиз хонадон” тамойиллари доирасида оилавий низолар, ишсизлик каби сабаблар билан манзилли ишлаш тизими яратилиб, минглаб маҳаллаларнинг “яшил ҳудуд”га — жиноятдан холи маконга айланишига эришилди.

–**Жамоатчилик иштироки.** “Маҳалла посбони” ва “Фидокор ёшлар” каби жамоатчилик тузилмалари орқали оммавий тадбирларда хавфсизликни таъминлашга фуқаролик жамияти кенг жалб этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистонда жамоат тартибини сақлаш фаолияти куч ишлатиш, назорат қилиш ва жазолашдек анъанавий ёндашувдан ижтимоий шериклик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси моделига изчил равишда ўтмоқда. 2021–2026 йилларда қабул қилинган концептуал ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу ўтишнинг босқичма-босқич, илмий асосланган ва институционал жиҳатдан мустаҳкамланган характерга эга эканини кўрсатади.





Назарий жиҳатдан, “жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчаларини муносабатнинг ижтимоий мазмуни орқали баҳолаш мазкур амалий ислохотларнинг методологик пойдеворини ташкил этади. Амалий жиҳатдан эса “маҳалла еттилиги”, манзилли профилактика ва рақамли бошқарув воситалари давлат ҳамда жамиятнинг ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Натижада мазкур илғор тизим мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг осойишта ҳаёт кечириши учун энг муҳим кафолатлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/27/1116-сон.
2. Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З., Шукуров Ф.Н. ва бошқ. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 45-б.
3. Гоббс Т. Сочинения в 2-х томах. Т. 2. – М.: Мысль, 1991. – С. 96–97; Гумплович Л. Общее учение о государстве. – СПб.: Изд-во О.Н. Поповой, 1910. – С. 36.
4. Попов Л.Л. Административное право Российской Федерации: Учебник. – М.: РГ-Пресс, 2018. – С. 214; Бельский К.С. Полицейское право: Лекционный курс / Под ред. А.В. Куракина. – М.: Дело и сервис, 2004. – С. 23.
5. Бахрах Д.Н. Административная ответственность граждан за правонарушения. – Пермь, 1978. – С. 40; Веремеенко И.И. Механизм административно-правового регулирования в сфере охраны общественного порядка. Ч. 1. – М., 1981. – С. 9.
6. Мирзиев Ш.М. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 октябр.

